

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:

№БД 5510300-2.33

2021 йил “4” июн

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

124-сонли буйруқ

2021 йил “4” июн



ҲАРБИЙ ТИББИЙ ТАЙЁРГАРЛИК: ҲАРБИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИЯ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510000 Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналишлари: 5510300 Тиббий профилактика иши

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

- | | |
|-------------------------|---|
| Г.С.Матназарова | - ТТА Эпидемиология кафедраси мудири, тиббиёт
фанлари доктори. |
| Н.С.Саидкасимова | - ТТА Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси |
| А.Ю.Мустанов | - ТТА Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси |

Такризчилар:

- | | |
|--------------------------|---|
| Г.Т.Искандарова | - Тошкент врачлар малакасини ошириш
институти, эпидемиология кафедраси мудири,
т.ф.д., профессор. |
| М.Ф.Абдукаххарова | - ТТА эпидемиология кафедраси доценти. |

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни.

Ўзбекистон Республикасининг Қуrolли кучлари халқ миллий хавфсизлиги, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, унинг аҳолиси осойишта ҳаётининг муҳим кафолати сифатида фаолият юритмоқда. Келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, турли хил экстремал шароитларда ўзлигини йўқотмай, дадил ҳаракатлана олиш, зарур ҳолатларда бошқарувчилик ролини қабул қила олишлик, шахсий таркиб орасида турли хил касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш, ҳарбий қисм аскарларини шу касалликларга чалинмасликлари учун нималарга эътибор беришларини ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Уруш вақтида тиббий хизмат жанг майдонида ва тиббий эвакуация босқичларида ярадор ва касалларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича энг муҳим бўлган вазифаларни бажаради. Ушбу вазифаларни тиббий хизмат томонидан самарали равишда бажариши учун барча тиббий ходимлар замонавий шароитларда жанговар ҳаракатларни олиб бориш усуллари, жанговар паталогияни чуқур билишлари, даволаш-эвакуация, санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни, душманнинг оммавий қирғин қуrollаридан шахсий таркибни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ташкил қилиш ва амалда ўтказишни билишлари ҳамда етарли даражада ташкилотчилик малакасига эга бўлишлари керак. Мазкур модул ўқув режадаги тиббий биология ва генетика, одам анатомияси, нормал физиология, биоорганик, биоанорганик ва биологик кимё, микробиология, умумий гигиена ва юқумли касалликлар модулларидан ўзлаштирилган билимларга асосланиб, талабаларда эпидемиологик фикрлашни шакллантириш орқали, ҳарбийларни эпидемиялардан муҳофаза қилиш эпидемиологик назорат қилишга ўргатади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади: Белгиланган вазифа бўйича функционал вазифаларни бажариш учун ҳарбий эпидемиологиянинг назарий ва амалий масалалари бўйича керак бўлган ҳажмда талабаларни ўқитиш, келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, турли хил экстремал шароитларда ўзлигини йўқотмай, дадил ҳаракатлана олиши каби жиҳатлар шакллантиришдан иборат.

2. Модулнинг вазифалари:

- ҳарбий эпидемиология бўйича замонавий илм-фан ва амалиётдаги ютуқларга таяниб ва ўқитишдаги энг прогрессив усуллардан фойдаланган ҳолда мутахассисларни назарий жиҳатдан тайёрлаш;

- ҳарбий эпидемиологиянинг назарий ва амалӣ масаллари бўйича ҳарбий ҳолат вақтидаги вазиятлар тақозасига кўра ўз вазифаларини бажаришга ўргатиш;
- ўчоқларда эпидемиологик текшириш ўтказиш ва санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш ҳамда жанговор ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларни кузатиш, юқумли касалликлар кўзгатувчиларининг инфекция манбалари, йўллари ва омилларини эрта аниқлаш
- ўчоқда санитария-тозалов ишларини ўтказиш учун кўрсатмалар бериш,
- дезинфекция ва стерилизация ўтказиш учун зарур бўлган препаратлар ва техник воситаларни қўллаш олиш
- бактериологик қуроллар қўлланилган вақтларда қандай ҳаракатланиш тартибини, махсус ҳимоя кийим бош тўпламларини кийиш ва ечишни билиш; турли хилдаги ҳарбий объектларни санитар-эпидемиологик текшириш бўйича баённома ва далолатномаларни тузиш
- карантин ва ўта хавфли инфекцияларда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилиш хусусиятларини ўзлаштириш, биологик воситаларни махсус индикацияси (аниқлаш) учун синамалар олиш, тегишли ҳужжатларни тўлдириш ва синамаларни эпидемиологик муассасаларга жўнатиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;
- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни ўргатиш кабиларни шакллантиради.
- Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида ҳарбий шифокори квалификациян характеристикасига, “Тиббий профилактика иши” ихтисослиги талабларига жавоб берувчи мутахассислик тайёрлашдан иборат.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

10-семестр якунида:

Талаба:

“Ҳарбий эпидемиология модули” ўқув модулинини ўзлаштириш жараёнида:

- қўшинлар ва улар ҳаракат олиб бораётган ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини баҳолаш;
- ҳарбий объектларни санитар-эпидемиологик текшириш бўйича баённома ва далолатномаларни тузиш

- тиббий эвакуация босқичларида ўтказиладиган чора-тадбирлар, шахсий таркибни бактериологик куролдан химоя қилиш юзасидан ўтказиладиган чора-тадбирлар
- ҳарбийларда эпидемиологик ёрдамни тўлиқ ҳажмда тақдим эта оладиган, эпидемия ўчоқларида, шу жумладан экстремал ҳолатларда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиши оладиган мутахассисни тайёрлаш.
- ҳарбийларда эпидемиологик назорат ҳақида **тасаввурга эга бўлиш;**
- эпидемиологик, профилактик ва касбий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган мутахассисни тайёрлаш.
- ҳарбийларда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган ёндош клиник модуллар бўйича кўникма ва ҳарбий врачлик муолажаларини ўзлаштириш олмаган мутахассис-шифокорни тайёрлаш.
- ҳарбий врач-эпидемиологга соғлиқни сақлаш, суғурта тиббиёти, тиббий психология, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва иқтисодиёти муаммолари бўйича эркин фикрлашишга ва ҳаракатланишига имкон берадиган умумий ва махсус билимлар, кўникмалар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича **билиши ва улардан фойдалана олиши керак;**
- Юқумли касалликларда проспектив эпидемиологик таҳлил анамизни йиғиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили қилиш самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолашнинг ишонарли ва қулай усуллари танлашни ва уларни амалга оширишни, олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- ҳарбийлар орасида шошилиш аралашувни талаб қиладиган ҳолатларда тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш, ўз вақтида касалланишларни аниқлаш ва уларни коррекция қилишни;
- ҳарбийлар орасида профилактик тиббий кўриклар, диспансеризация, диспансер кузатув ва тиббий назорат ўтказишда ёрдам кўрсатиш;
- ҳарбийларда самарали ва ҳавфсиз эмлаш ўтказиш мақсадида вакцина воситасини танлаш алгоритминини тузишни ва эмлаш ўтказиш тартибини белгилаш;
- фаолият юритаётган даволаш-профилактик муассасанинг ишини ташкил этиш, алоҳида эпидемиологик ва юқумли касалликлар бўлимлари, хоналари (кабинетлари) ва лабораториялар ишида ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳарбийларни диспансеризацияси ўтказилишини ташкил этишни баҳолаш;

- ҳарбийларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш **малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар: Модул бўйича маъруза машғулотлари намунавий ўқув режасида режаслаштирилмаган

3.2. Модулдаги амалий машғулотлари мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий машғулотларининг мавзулар рўйхати:

10-семестр:

1-мавзу. Ҳарбий эпидемиология модули ҳақида. Ҳарбий жамоалар орасида эпидемик жараённинг ривожланиш қонуниятлари. Ҳарбий эпидемиологиянинг бўлимлари ва вазифалари. Қўшинларда эпидемик жараённи ривожланиш механизми.

2-мавзу. Ҳарбий қисмларда ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизими. Қўшинлар орасида эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш ва ташкиллаштириш учун жалб этиладиган кучлар ва воситалар. Эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштиришда қўшинлардаги тиббий хизмат ва санитария – эпидемиология муассасаларининг ролини ўргатиш.

3-мавзу. Бактериологик (Биологик) қурол. Бактериологик қуролга таъриф. Қўлланиш тарихи. Бактериологик қуролнинг жанговор жиҳатлари ва тавсифи. Бактериал рецептуралар, уларни гуруҳлаш, қўллаш усуллари ва етказиш воситалари. Сунъий равишда келтириб чиқарилган эпидемик жараённинг ривожланиш механизми ва намоён бўлиш даражаларини ўргатиш.

4-мавзу. Санитария-эпидемиологик разветка. Бактериологик разветка. Санитария-эпидемиологик разветканинг асосланувчи принциплари, ўтказиш усуллари. Бактериологик разветканинг асосий вазифалари. Махсус ва махсус бўлмаган индикация. Махсус индикация босқичларини аниқлашни ўргатиш.

5-мавзу. Қўшинларни эпидемияга қарши ва бактериологик қуроллар таъсиридан ҳимоя қилишни ташкиллаштириш. Қўшинларни бактериологик қуролдан ҳимоя қилиш ҳақида тушунча. Шахсий таркибни бактериологик қуролдан ҳимоя қилишда командирлар, штаблар ва тиббий хизмат ходимларининг роли.

6-мавзу. Душман томондан бактериологик қурол қўлланилиши хавфи бўлган ҳолларда ўтказиладиган чора-тартиблар ва қўлланган ҳолларда унинг оқибатларини тугатиш юзасидан олиб бориладиган ишларни ўргатиш.

3.2.2. Амалий машғулотларини таъкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методиқ жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида ҳарбийлар орасида профилактик чора -тадбирларини ўтказа олиши, диспансеризация ва гуруҳларига ажратиш, эмлаш режасини тузиш, оператив эпидемиологик таҳлили ўтказиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

10-семестр якунида:

1.Ўчоқларда эпидемиологик текшириш ўтказиш ва санитария-эпидемиологик разведка ўтказиш ҳамда (жанговор ҳаракатлар олиб борилаётган) ҳудудларни кузатиш, юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг инфекция манбалари, йўллари ва омилларини эрта аниқлаш

2.Ўчоқда санитария-тозалов ишларини ўтказиш учун кўрсатмалар бериш, дезинфекция ва стерилизация ўтказиш учун зарур бўлган препаратлар ва техник воситаларни қўллай олиш

3. Бактериологик қуроллар қўлланилган вақтларда қандай ҳаракатланиш тартибини, махсус ҳимоя кийим бош тўпламларини кийиш ва ечишни билиш; турли хилдаги ҳарбий объектларни санитар-эпидемиологик текшириш бўйича баённома ва далолатномаларни тузиш

4. Карантин ва ўта хавфли инфекцияларда профилактик ва эпидемияга

қарши чора-тадбирлар ўтказилиш хусусиятларини ўзлаштириш, биологик воситаларни махсус индикацияси (аниқлаш) учун синамалар олиш, тегишли хужжатларни тўлдириш ва синамаларни эпидемиологик муассасаларга жўнатиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК 1¹. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёмеёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УК 6. Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УКК 1². Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббийёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессional фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий хужжатларни юритишга тайёргарлик;

УКК 4. Касбий муаммоларни ҳал қилишда дори воситаларини ва уларнинг комбинацияларини тиббий мақсадларда ишлатишга тайёрлик;

УКК 5. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

УКК 6. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

Модул давомида ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабалари “Ҳарбий эпидемиология” модул бўйича амалий дарслари амалиёти таълим жараёнининг 40%ини ташкил қилади ва машғулотлар Санитария-эпидемиология осойиталиги ва жамоат саломатлиги хизмати

¹ УК- умумий компетенция

² УКК – умумий касбий компетенция

бўлимларида, Республика карантин ва ўта хавфли касалликларга қарши курашиш марказида, дезинфекцион станциялар ва поликлиникаларда ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоёниш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоёниш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кейинчалик умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоёниш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра машикни такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, протоколлар, профилактик чора-тадбирлар стандартлари, ўргатувчи эпидемиологик харталари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, эпидемиологик харталарини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда модулни ўзлаштирган ҳисобланади.

4.Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1.Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

10-семестр:

1. Ҳарбий жамоалар орасида эпидемик жараённинг ривожланиш қонуниятлари. Ҳарбий эпидемиологиянинг бўлимлари ва вазифалари. Қўшинларда эпидемик жараённи ривожланиш механизми.

2.Қўшинлар орасида эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш ва ташкиллаштириш учун жалб этиладиган кучлар ва воситалар. Эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштиришда қўшинлардаги тиббий хизмат ва санитария – эпидемиология муассасаларининг роли.

3.Бактериологик курулнинг жанговор жиҳатлари ва тавсифи. Бактериал рецептуралар, уларни гуруҳлаш, қўллаш усуллари ва етказиш воситалари. Сунъий равишда келтириб чиқарилган эпидемик жараённинг ривожланиш механизми ва намоён бўлиш даражалари.

4.Санитария-эпидемиологик разветка. Бактериологик разветка. Санитария-эпидемиологик разветканинг асосланувчи принциплари, ўтказиш усуллари.

Бактериологик разветканинг асосий вазифалари. Махсус ва махсус бўлмаган индикация. Махсус индикация босқичларини аниқлаш.

5. Қўшинларни эпидемияга қарши ва бактериологик қуроллар таъсиридан химоя қилишни ташкиллаштириш. Қўшинларни бактериологик қуролдан химоя қилиш ҳақида тушунча. Шахсий таркибни бактериологик қуролдан химоя қилишда командирлар, штаблар ва тиббий хизмат ходимларининг роли.

6. Душман томондан бактериологик қурол қўлланилиши хавфи бўлган ҳолларда ўтказиладиган чора-тартиблар ва қўлланган ҳолларда унинг оқибатларини тугатиш юзасидан олиб бориладиган ишлар.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Ҳарбий эпидемиология модули бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар модуль тизимида турли хил шаклда амалга оширилади:

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- вазиятли муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- график органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Ҳарбий эпидемиология модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

– аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр ва симуляцион залларда/марказларда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

– тиббиёт ОТМ ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган рўйхат асосида шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган чора-

тадбирлар ўтказиш ва олиб бориш, ретроспектив эпидемиологик таҳлили ёзиш ва эпидемиологик текширув хартасида акс эттириш;

- тиббиёт ОТМ ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган амалий кўникмаларни шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажаришни эпидемиологик текширув хартасида акс эттириш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёши ва соғлигига боғлиқ овқатлантириш тамойиллари ҳақида суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;

- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- вазиятли муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- моделлар яшаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Курс иши (лойиҳаси) бўйича кўрсатма ва тавсиялар: Модул бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Ҳарбий эпидемиология модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);

- синов (ЯН).

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Ҳарбий эпидемиология модули бўйича ЖН оғзаки, тарқатма материаллари билан ишлаш, тест ва вазиятли масалалар ечиш, мавзуга оид амалий кўникмаларни бажариш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив услубларида қатнашишнинг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва

кўникмаларни ўзлаштириш даражаси (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назорат учун ажратилган 1,0 кредит семестрлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

10 семестр – 1,0 кредит;

Жорий назорат –1,0 кредит;

синов – 0 (ўтилиши мажбурий)

Талаба семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида синовли вазифани топширади ва ўтиш (саралаш) балидан ўтсагина кейинги семестрга ўтади. Талаба белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида якуний назорат (синов)га киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	«аъло» – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва	5	аъло

			<p>амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	В	«жуда яхши» – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда</p>	4	яхши

			<p>ифодалаши;</p> <p>Ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоён қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши,</p>		
--	--	--	--	--	--

			вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	С	«яхши» – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаш;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш</p>		

			<p>натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	«қониқарли» – суи натижа, қўпол камчиликлар билан	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан</p>	3	Қони қарли

			<p>стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
55-59	Е	«ўрта» – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p>		

			<p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	«қоникарсиз» – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантикий хатоларга йўл қўйса;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда пасив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;</p> <p>амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.</p>	2	Қони қарсиз
0-30	F	«мутлоқ қоникарсиз» – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантикий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда пасив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса;</p>		

			амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини хатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		
--	--	--	---	--	--

СИНОВ

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба синовга киритилади. синовда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. синов модул бўйича ўқув машғулоти тугаганидан сўнг кафедрада ёзма, оғзаки, тест ёки OSCE шаклларида ўтказилади. синовда 55 саралаш баллини йиғма олмаган талаба синовдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади, ЖНда тўлиқ кредитни йиғма бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, Синов натижалари бекор қилинади ва Синов қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида Синовда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5.1. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1. О.М. Mirtazaev, G.S. Matnazarova, L.P. Zuyeva. Harbiy epidemiologiya. Darslik. 2019 y.

5.2. Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони

2. Leon Gordis Epidemiology, 5th edition, Philadelphia, USA 2014

5.3. Интернет сайтлари:

1. www.gov.uz

2. www.minzdrav.uz

3. www.tta.uz

4. www.tma.uz

5. <http://web.tma>

6. TMA Wi-Fizone

7. www.ZiyONet

8. www.epidem.uz

9. www.epidem.uz

10. www.lex.uz

11. www.MedPortal.ru

12. www.Med-edu.ru

13. www.med-info.ru

14. www.medagent.ru

15. www.medical-encyclopedia.zelenka.su

16. www.journals.medi.ru

17. <http://www.iaea.org/> (Интернационал Атомис энерг. Аген.)

“ҲАРБИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИЯ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

“Ҳарбий эпидемиология” модулидан силлабус			
Модулнинг тўлиқ номи	“Ҳарбий эпидемиология”		
Модул коди: 2.33	Кредит ҳажми: умумий - 1,0 кредит Шундан: 10 семестр – 1,0 кредит; Жорий назорат – 1,0 кредит; синов – 0 (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 10- семестр	ECTS value:

Таълим йўналиши	5510300 – «Тиббий профилактика иши»	5-босқич бакалаврлари
Модулнинг давомийлиги	3 кун	
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	36
	Шунингдек:	
	маъруза	-
	амалий машғулот	18
	мустақил таълим	18
Ўқув модулининг статуси	Умумқасбий модулар блоки	
ОТМ номи, манзили	Тошкент тиббиёт академияси, Фаробий 2 уй	
Кафедра номи	Эпидемиология	
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail:
Машғулот вақти ва жойи		
Модулнинг мазмуни	Ҳарбий эпидемиология модули бўлажак мутахассисни тиббий санитария ёрдами ва юқумли касалликларни профилактикасига қаратилган.	
Пререквизитлар	Юқумли ва паразитар касалликлар, микробиология	
Постреквизитлар	Юқумли ва паразитар касалликлар, микробиология, жамият соғлиғини сақлаш ва соғлиқни сақлашни бошқариш модулар блоки	
Модулнинг мақсади	<p>Ҳарбий эпидемиология модули барча мутахассис врачларининг илмий ва амалий иш фаолиятида энг муҳим модулардан бири бўлиб ҳисобланади.</p> <p>Ҳарбий эпидемиология модули ҳарбийлар касалланишлари ҳақидаги ва эпидемик жараён таълимоти асосларини, эпидемик жараён моҳияти ва ривожланиш механизмларини ўргатади.</p> <p>Ўқитишдан мақсад, юқори квалификацияли, юқори билим доирасига эга бўлган, амалий кўникмаларни амалда бажара оладиган, юқумли касалликларни олдини олиш учун профилактик чора-тадбирларни замонавий тиббий билим ва техникалар асосида ишлаб чиқишни биладиган мутахассисларни тайёрлаш.</p>	
Модулнинг вазифалари	<p>-“Ҳарбий эпидемиология” модулининг мақсади эпидемик жараённинг асосий қонуниятларини ўрганувчи модул сифатида ҳарбийлар орасида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш учун эпидемиологик ташхис қўйиш усуллариини ўзлаштирган, даволаш профилактик муассасаларида ва касаллик ўчоқларида профилактик ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил қилишни ўргатиш.</p> <p>-тиббиёт муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича эпидемиологик ёндошишнинг хусусиятлари, касалликлар номенклатураси ва классификацияси, эпидемиологик текшириш усуллари, эпидемиологик ташхис (диагностика) асослари мақсадини ўрганиш.</p> <p>-Ҳарбийларда юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш, махсус профилактика воситалари, уларни тайёрлаш, сақлаш ва эмлаш йўл-</p>	

	<p>йўриқларини ўргатиш.</p> <p>-Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация тадбирлари, ушбу тадбирларни ташкиллаштириш ва уларнинг бирламчи тиббиётдаги аҳамиятини ўргатиш.</p> <p>-Айрим юқумли ва соматик касалликлар профилактикасининг аҳамиятини ўргатиш ва х.к.</p>
<p>Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар</p>	<p>10-семестр якунида:</p> <p>Талаба:</p> <p>“Ҳарбий эпидемиология модули” ўқув модулини ўзлаштириш жараёнида:</p> <ul style="list-style-type: none"> – қўшинлар ва улар ҳаракат олиб бораётган ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини баҳолаш; – ҳарбий объектларни санитар-эпидемиологик текшириш бўйича баённома ва далолатномаларни тузиш – тиббий эвакуация босқичларида ўтказиладиган чора-тадбирлар, шахсий таркибни бактериологик қуролдан ҳимоя қилиш юзасидан ўтказиладиган чора-тадбирлар – ҳарбийларда эпидемиологик ёрдамни тўлиқ ҳажмда тақдим эта оладиган, эпидемия ўчоқларида, шу жумладан экстремал ҳолатларда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўткази оладиган мутахассисни тайёрлаш. – ҳарбийларда эпидемиологик назорат ҳақида масаввурга эга бўлиш; – эпидемиологик, профилактик ва касбий вазифаларини муваффаиятли ҳал этишга қодир бўлган мутахассисни тайёрлаш. – ҳарбийларда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган ёндош клиник модуллар бўйича кўникма ва ҳарбий врачлик муолажаларини ўзлаштири олмаган мутахассис-шифокорни тайёрлаш. – ҳарбий врач-эпидемиологга соғлиқни сақлаш, суғурта тиббиёти, тиббий психология, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва иқтисодиёти муаммолари бўйича эркин фикрлашига ва ҳаракатланишига имкон берадиган умумий ва махсус билимлар, кўникмалар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича билиши ва улардан фойдалана олиши керак; – Юқумли касалликларда проспектив эпидемиологик таҳлил анамизни йиғиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш; – Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили қилиш самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолашнинг ишонарли ва қулай усуллари танлашни ва уларни амалга оширишни, олинган натижаларни таҳлил қилиш; – ҳарбийлар орасида шошилиш аралашувни талаб қиладиган ҳолатларда тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш, ўз вақтида касалланишларни аниқлаш ва уларни коррекция қилишни; – ҳарбийлар орасида профилактик тиббий кўриқлар, диспансеризация, диспансер кузатуви ва тиббий назорат ўтказишда ёрдам кўрсатиш;

	<p>– ҳарбийларда самарали ва ҳавфсиз эмлаш ўтказиш мақсадида вакцина воситасини танлаш алгоритмини тузишни ва эмлаш ўтказиш тартибини белгилаш;</p> <p>– фаолият юритаётган даволаш-профилактик муассасанинг ишини ташкил этиш, алоҳида эпидемиологик ва юқумли касалликлар бўлимлари, хоналари (кабинетлари) ва лабораториялар ишида ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳарбийларни диспансеризацияси ўтказилишини ташкил этишни баҳолаш;</p> <p>– ҳарбийларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш <i>малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.</i></p>
Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий машғулотлар
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни яқунлаганда талаба билади:

1. Эпидемиологик, профилактик ва касбий вазифаларини муваффаиятли ҳал этишга қодир бўлган мутахассисни тайёрлаш.
2. Ҳарбийларда шошилишч тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган ёндош клиник модуллар бўйича кўникма ва ҳарбий врачлик муолажаларини ўзлаштира олган мутахассис-шифокорни тайёрлаш.
3. Ҳарбий врач-эпидемиологга соғлиқни сақлаш, суғурта тиббиёти, тиббий психология, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва иқтисодиёти муаммолари бўйича эркин фикирлашига ва ҳаракатланишига имкон берадиган умумий ва махсус билимлар, кўникмалар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш

Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:

1. Ҳарбийлар орасида шошилишч аралашувни талаб қиладиган ҳолатларда тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш, ўз вақтида касалланишларни аниқлаш ва уларни коррекция қилишни;
2. Ҳарбийлар орасида профилактик тиббий кўриклар, диспансеризация, диспансер кузатув ва тиббий назорат ўтказишда ёрдам кўрсатиш;
3. Ҳарбийларда самарали ва ҳавфсиз эмлаш ўтказиш мақсадида вакцина воситасини танлаш алгоритмини тузишни ва эмлаш ўтказиш тартибини белгилаш;

4. Фаолият юритаётган даволаш-профилактик муассасанинг ишини ташкил этиш, алоҳида эпидемиологик ва юқумли касалликлар бўлимлари, хоналари (кабинетлари) ва лабораториялар ишида ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳарбийларни диспансеризацияси ўтказилишини ташкил этишни баҳолаш;
5. Ҳарбийларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш.